

«Саноатгеоконтехназорат» ДИ
Хайъатини 2011 йил 27 июлдаги
1- сонли фармойиши билан
ТАСДИҚЛАНГАН

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги
ер қаърини геологик ўрганишда саноат, тоғ ишлари ва коммунал-маъиший сектор
ишларини хавфсиз олиб боришни назорат этишга оид
Давлат инспекцияси ҳайъати ишларини
Регламенти

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги ер қаърини геологик ўрганишда саноат, тоғ ишлари ва коммунал-маъиший сектор ишларини хавфсиз олиб боришни назорат этишга оид Давлат инспекцияси ҳайъати (бундан кейин – Ҳайъат) доимий амалдаги кенгаш органи ҳисобланади.

2. Ўзини ишида ҳайъат Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Президенти кўрсатмалари, қарор ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги ер қаърини геологик ўрганишда саноат, тоғ ишлари ва коммунал-маъиший сектор ишларини хавфсиз олиб боришни назорат этишга оид Давлат инспекциясининг (бундан кейин – Давлат инспекцияси) Низомига таянади.

3. Ҳайъат ўз фаолиятини қонунчилик, амалдаги қонунчиликга мувофиқ ҳолда Ўзбекистон Республикаси Президентининг, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг назорати остида ва ҳисобот бериш, бошқаришни марказлашириш, жамоавийлик ва ягоначиликни уйғунлаштириш принциплар асосида амалга оширади.

II. Ҳайъатни асосий вазифалари

4. Ҳайъат Давлат инспекциясини фаолиятидаги қуйидагилар билан боғлиқ бўлган энг муҳим бўлган масалаларини кўриб чиқади:

Давлат инспекциясининг фаолиятини асосий йўналишларини тайёрлаш ва

амалга ошириш; Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгилаб берилган саноат ва радиация хавфсизлиги, ер қаъридан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш соҳасидаги давлат сиёсатини ижро этиш билан боғлиқ муаммоларни ҳал этишни йўналишлари ва йўлларини аниқлаш;

саноат ва радиация хавфсизлиги, ер қаъридан самарали фойдаланиш ва муҳофаза қилиш соҳасидаги меъёрий ва ҳуқуқий бошқариш, лицензия, рухсат бериш, эксперт, назорат ва кузатув фаолиятида, ер қаъридан самарали фойдаланиш ва уни муҳофазаси, хавфли ишлаб чиқариш объектларда аварияларни олдини олиш ва оқибатларини бартараф этиш тизимини такомиллаштириш бўйича чоратадбирлар ишлаб чиқиш;

«Саноатгеоконтехназорат» Давлат инспекцияси, уни тармоқ ва минтақа органлари ва саноат хавфсизлиги бўйича Тармоқлараро кенгаш, ҳамда «Саноатгеоконтехназорат» Давлат инспекцияси иштирокида тузилган комиссия ва кенгашларнинг фаолиятини асосий йўналишларининг келажақдаги ва йиллик режаларини кўриб чиқиш ва тасдиқлашга тайёрлаш;

«Саноатгеоконтехназорат» Давлат инспекцияси минтақавий инспекцияларини фаолиятни оптималлаштириш;

саноат хавфсизлиги соҳасидаги маслалаларни (экспертиза тизими, эксперт ташкилотларни аккредитацияси) ишлаб чиқиш, саноат хавфсизлиги доирасида фаолият кўрсатувчи мутахассисларни тайёрлаш ва малакасини ошириш (хавфли ишлаб чиқариш объектларини идентификациялаш, саноат хавфсизлиги декларациялари);

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасини 1977 йил, 6 июлдаги 286-сонли фармойишига мувофиқ ўлим билан тугаган бахтсиз ходисларнинг сабабларини муҳокама этиш;

Давлат инспекцияси номенклатурасига кирадиган лавозимлар учун кадрлар тайёрлаш, ўрнига қўйиш ва малакасини ошириш;

Давлат инспекцияси раҳбариятининг ва хизматчиларининг шахсий жавобгарликларини ошириш билан, бажариш интизомини мустаҳкамлаш (Ўзбекистон Республикаси Президентининг кўрсатмалари, қарор ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишларда белгилаб берилган вазифаларни ижро этиш бўйича);

Асосий бажарувчиси Давлат инспекцияси бўлган, Ўзбекистон Республикаси ҳукуматига киритилган қонун лойиҳалари;

меъёрий-ҳуқуқий актларини, давлат дастурларини, тармоқлараро режаларини, Давлат инспекциясининг меъёрий-ҳуқуқий актларини ижро этиш.

5. Ҳайъат Давлат инспекцияси хизмати мавқеига кирадиган, коллегиял муҳокама қилишни талаб қиладиган, исталган масалаларини кўриб чиқиш ҳуқуқига эга.

III. Ҳайъат таркиби

6. Ҳайъатнинг сони ва шахсий таркиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

7. Ҳайъат таркибига Давлат инспекцияси бошлиғи ва уни ўринбосари, шунингдек уни фаолиятини мувофиқлаштириб турувчи Давлат инспекцияси структуравий бўлинмаларини раҳбарлари кирадилар.

Ҳайъат ишининг самарадорлиги ошириш мақсадларида уни таркиби даврий равишда алмаштрилиб турилади.

Ҳайъат аъзосини эгаллаб турган лавозимидан озод этиш ҳолатида (лавозими бўйича ҳайъат таркибига кирган аъзолар истесъно қилинади) ҳайъат таркибига киритилган номзод бўйича таклифлар ўрнатилган тартибда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритилади.

8. Ҳайъат раиси:

ҳайъат фаолиятини ташкил қилади, уни йиғилишларини олиб боради, ҳайъат аъзоларига мажбуриятлар ва топшириқларни тақсимлаб беради, йиғилиш режаларини бажарилиши, ҳайъат қарорларини ижро этилиши устидан умумий назорат олиб боради.

ҳайъатга кўриб чиқиш учун киритилган масалаларни жамоавий муҳокама қилиш ва ҳал этиш учун лозим бўлган шароитни яратади.

ҳайъат фаолияти ва уни қабул қилган қарорларига тўлиқ ҳажмда шахсий жавобгардир,

лозим бўлганда ҳайъат кенгашларида қабул қилинган қарорлар ва уни ижросини бориши ҳақида Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматига маълумот беради;

конфиденциал тавсифдаги масалалар, шунингдек давлат сиридан таркиб топган маълумотларни кўриб чиқиш учун ёпиқ йиғилишлар ўтказиш ҳақида қарор қабул қилади;

хайъатни сайёр йиғилишларини, ҳамда бошқа хайъат органлари билан биргаликда йиғилишларини ўтказиш ҳақида қарор қабул қилади;

Хайъат раиси бўлмаганда унинг вазифасини Давлат инспекцияси бошлиғини ўринбосари бажаради.

9. Хайъат аъзолари:

хайъат иш режалари, йиғилиш кун тартиблари ва уни йиғилишининг ўтказишни тартиби бўйича; хайъат йиғилишини тасдиқланган режасига қўшимчалар ва ўзгартиришлар, навбатдан ташқари йиғилишлар ўтказиш ҳақида таклифлар, эътирозлар, ва тузатишлар киритиш; кўрилаётган масалалар, ва жамоавий қабул қилинган қарор ижроси ҳақидаги материалларга тегишли хужжатлар билан танишиш; нотикқа ва сўзга чиқувчиларга савол бериш, муҳокам этилаётган масала мохияти бўйича ўз мулохазаларини сўзлаш, хайъат йиғилишида қабул қилинган қарор ва баённомаси бўйича эътирозлар ва таклифлар; зарур бўлганда овозга қўйишда йиғилиш баённомасига алоҳида фикр кириш ёхуд баённомага алоҳида фикрни ёзма баён тариқасида қўшиб қўйишни талаб қилиш ҳуқуқига эга;

масалаларни муҳокама қилишда ва овоз беришда тенг ҳуқуқликга эга;

хайъат йиғилишини ташкил этишда, кўрилаётган масалалар бўйича материаллар тайёрлашда, хайъат қарорларини бажаришни ташкил қилишда иштирок этади, уларни ижро этилиши устидан назорат олиб боради, хайъат топшириқларини бажаради;

хайъат йиғилишида шахсан ўзи иштирок этишига мажбур ва ўз ваколатини бошқа шахсларга топширишга ҳуқуқи йўқ.

Хайъат аъзосини уни йиғилишларидан озод қилишга хайъат раиси ёки уни вазифасини бажарувчи шахсни рухсати билангина рухсат берилади. Бунда хайъат аъзоси муҳокама қилинаётган масалалар бўйича ўз фикр-мулохазаларини ёзма кўринишда тақдим этиш ҳуқуқига эга.

IV. Хайъат фаолиятини ташкил этиш

1. Ҳайъат ишларини режалаштириш

10. Давлат инспекцияси ҳайъати ишларини режалаштириш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасини иш режаларини инобага олган ҳолда ярим йилга тузилади, ҳайъат аъзолари томонидан кўриб чиқилади ва уни раиси томонидан тасдиқланади.

11. Ҳайъат ишларини режалаштириш Давлат инспекциясидага режалаштирини ташкил этишнинг умумий принциплари ва талабларига мувофиқ ҳолда амалга оширилади. Ҳайъат йиғилишлари одатда, ҳар чоракда режалаштирилади ва ўтказилади. Бир йиғилишда асосий бўлган биттадан ортиқ бўлмаган масала кўриб чиқилади.

Режада ҳайъатга кўриб чиқишга киритилган масалаларни аниқ ифодалаш, уларни кўриб чиқиш муддатлари, масалани тайёрлашга маъсул бўлган ҳайъат аъзолари, қарор лойихасини ва бошқа материалларни ишлаб чиқувчи Давлат инспекциясини структуравий бўлинмалари кўрсатилади.

12. Ҳайъат йиғилишларида кўриб чиқиш учун масалаларни раис ёки ҳайъат аъзоси, шунингдек марказий аппаратни, Давлат инспекциясининг тармоқ, минтақавий инспекцияларни ва инфратузилма бўлинмаларни структуравий бўлинма раҳбарлари, ҳайъатни маъсул секретарининг сўрови бўйича киритади.

13. Навбатдаги ярим йилликга ҳайъат йиғилишларини режалаштириш лойихасига таклифлар Давлат назорати Бошқармасига, ўзига хос йилни 1 декабригача ва 1 июлигача тақдим этилади. Ҳайъат ишларини режалаштиришга таклифлар қуйидагиларни ўзига киритилган бўлиши лозим: масалаларини аниқ ифодалари, ва уларни таклиф этилган кўриб чиқишни муддатлари; масалаларни тайёрлаш учун маъсул бўлган нотиклар ва шахсларни фамилияси; бажарувчи-бўлинма номланмаси.

14. Бошқа ҳайъат органлари билан бирга ўтказиладиган йиғилишларни ўтказиш бўйича таклифлар, дастлаб улар билан келишилиши лозим, сайёр йиғилишлар бўйича эса - Давлат инспекциясини молиявий-иқтисодий бўлимлари билан ҳам. Бошқа ҳайъат органлари билан бирга ўтказиладиган йиғилишлар ўтказиш ҳақидаги қарор Давлат назорати Бошқармасида дастлабки келишувдан ўтиши зарур.

15. Ҳайъат йиғилишларининг режалаштириш лойихасини тайёрлаш ва

келишиш ишлари ҳайъатни маъсул секретари зиммасига юклатилади.

16. Ҳайъатни маъсул секретари тасдиқланган режани ҳайъат аъзоларига, режадан кўчирмани эса бажарувчи -бўлинмага тарқатади.

17. Ҳайъат ёки уни раиси қарори билан тасдиқланган ҳайъатнинг йиғилиш режасига тахрирлар киритиш мумкин, зарур бўлганда –навбатдан ташқари йиғилиш ўтказилади.

2. Ҳайъат йиғилишига масалалар тайёрлаш

18. Кўриб чиқиш учун масалаларни тайёрлаш муаммо моҳиятини чуқур ва ҳар томонлама таҳлил этишни, илгари қабул қилинган бошқарув қарорларини самарадорлигини ва уларни ижросини бўйича чора-тадбирларни баҳолашни, етишмовчиликларни, уларни туғдирувчи шароит ва сабабларни намоён этишни, ишларнинг шароитларини яхшилашга йўналтирилган таклифлар ишлаб чиқишни, уларни бажарилишидан келиб чиқадиган прогноз натижаларни ўзида мужассам этади. Керак бўлганда, Давлат инспекциясини структуравий бўлинмаларида кўрилаётган муаммо бўйича ишларни ахволини бевосита дастлабки текширишни ташкил этилади.

19. Бўлинма-бажарувчи ҳайъат йиғилиш режасидан кўчирма олгач, 10 кунлик муддатда ҳайъат йиғилишига тайёргарлик бўйича чора-тадбирлар режасини тузади, уни масалаларни тайёрлашга маъсул шахс томонидан тасдиқлатади, нусхасини уни ижро этишда иштирок этадиган Давлат инспекциясини барча инспекцияларига, шунингдек Давлат назорати Бошқармасига жўнатади.

20. Мухокам қилинадиган масала бўйича ҳайъат йиғилишига қуйидаги материаллар тайёрланади:

мухокама қилинадиган масала бўйича маълумотнома;

ҳайъат қарорини лойihalари ва ва уни эълон қилувчи Давлат инспекциясини буйруғи, ёхуд ҳайъатни баённома қарори, ҳайъат йиғилишида кўриб чиқишга жалб этиладиган бошқа ҳужжатлар;

зарур бўлганда – лойихани тайёрлаш ва келишини боришида лойihalари бўйича келиб тушган мулоҳаза ва таклифларни амалга оширилишида рад

этилишини асослаш билан, ихтилофлар ҳужжатлари ҳақида маълумотнома.

- хайъатга таклиф этилган шахсларни рўйҳати;
- хайъат йиғилишида сўзга чиқувчиларнинг рўйҳати;
- хайъат раиси кўрсатмаси бўйича бошқа ҳужжатлар.

21. Маълумотномада кўрилатган масалани моҳияти, ушбу йўналишдаги мавжуд камчиликлар ва уларни сабаблари, муамоллар ва уларни ҳал этиш усуллари қисқа ва объектив баён этиши лозим.

Фаолиятни такомиллаштиришга йўналтирилган, таклиф этилаётган чоратadbирлар одатда мажмуавий тавсифга эга бўлиши керак.

22. Уни эълон қилувчини ҳайъат қарори ва буйруқларининг лойиҳалари ўрнатилган тартибда келишувдан ўтиши керак.

Йиғилиш чақирмасдан туриб, ҳайъат аъзоларидан сўров олиш йўли билан қабул қилинган ҳужжатларнинг лойиҳалари, барча ҳайъат аъзолари томонидан келишилади ва имзоланади.

23. Барча материаллар бўлинма-бажарувчини раҳбари, масалани тайёрлаш бўйича маъсул шахс, ва Давлат инспекцияси бошлиғини ўринбосари томонларидан келишувдан ўтади ва имзоланади.

Уни эълон қилувчини ҳайъат қарори ва буйруқларини лойиҳалари, бундан ташқари, Давлат инспекцияси структуравий бўлинмаларининг уларни тайёрлашда қатнашаган, ҳамда қизиқишлари бўлган раҳбарлари, шунингдек юридик бўлимни бошлиғи томонидан имзоланади.

24. Ўрнатилган тартибда келишилган материалларни, кўрсатилган материалларни тайёрлаш режасида белгиланган муддатга мувофиқ, бироқ қўйилган масала режалаштирилган ойнанинг 5 чи санасидан кечиктирмай, ҳайъатни маъсул котибига тақдим этади.

25. Уларга қўйилган талабларни бузиш билан тайёрланган ёки тўлиқ ҳажмларда бўлмаган материаллар ҳайъатни маъсул котиби томонидан қабул қилинмайди. Олинган материаллар бўлинма –бажарувчига қайта ишлашга қайтарилиши мумкин, бу ҳақида Давлат назорати Бошқармасига ва масалани тайёрлашга маъсул шахсларга доклад қилинади.

26. Агар ҳайъат метариллари қандайдир сабаблар билан кўрсатилган муддатларда тақдим этилмаса ёки, масалани тайёрлашга маъсул шахс фикрича, уни

кўриб чиқишга зарурият туғилмаса, бу ҳақида ҳайъат раисига ёзма равишда хабар қилинади.

27. Етарлича бўлмаган ишлов берилган масалалар, ҳайъат раисини кўрсатмаси бўйича ёки ҳайъат қарори билан муҳокамдан олиб ташланади, материаллар бажарувчига қайта ишлаш учун қайтариб берилади.

28. Ишлов беришни сифатига, ҳайъат йиғилишига материалларнинг лойихасини ўз вақтида топширилишига ва улардаги маълумотларни ҳаққонийлигига бўлинма-бажарувчи ҳамда масалани тайёрлашга маъсул шахс жавобгордир.

29. Ҳайъат йиғилиши кўриб чиқиладиган масалаларни ўрганиш учун, ҳайъат қарорлари лойихаларини тайёрлаш ёки қўшимча қайта ишлаш, шунингдек қабул қилинган қарорларни бажарилишини текшириш учун вақтинчалик комиссиялар ва ишчи гуруҳларини тузиш мумкин. Уларнинг фаолиятлари натижалари ҳайъатда баён этилди. Ўзини алоҳида фикр-мулоҳазалари бўлган комиссия ва ишчи гуруҳ аъзолари уни ҳайъат аъзолари ёки ҳайъат раиси эътиборига етказиш ҳуқуқига эгадирлар.

3. Ҳайъат йиғилишига тайёрланиш ва ўтказиш тартиби

30. Ҳайъатни маъсул котиби ҳайъат ишларини режасига мувофиқ ҳолда, тайёрланган материаллар мавжуд бўлганда, кун тартиби лойихасини ва йиғилиш иштирокчиларини рўйхатини шакллантиради, уни Давлат назорати Бошқармаси бошлиғи билан келишишади.

31. Ҳайъат йиғилишини санаса, вақти ва ўтказиладиган жойини ўз ичига олган кун тартиби ҳайъат раиси томонидан белгиланади.

32. Ҳайъатни маъсул котиби навбатдаги йиғилишга материаллар олганда уларни кўпайтириш ҳамда ҳайъат аъзоларига, шунингдек Давлат инспекциясининг қизиқиши бўлган структуравий бўлинмаларига тарқатишни ташкил қилади. Материалларни бошқа манзилларга йўналтириш ҳайъат раис билан келишилган ҳолда амалга оширилади.

33. Ҳайъат йиғилишига Давлат инспекцияси марказий аппаратини структуравий бўлинмаларини, уни тармоқ ва минтақа инспекцияси ва инфратузилма бўлинмаларини раҳбарлари, давлат бошқарув органини, давлат

хокимиятини, жамоатчилик бирлашмаларини ва оммавий ахборот воситалари вакиллари, илмий ходимлар ва мутахассислар таклиф этилиши мумкин. Уларни ҳайъат йиғилишида иштирок этиш масалари, ҳар бир ҳолатда ҳал этилади.

34. Ҳайъат йиғилишига таклиф этилган Давлат инспекциясини структуравий бўлинмалари, шуниндек қизиқиши бўлган вазирликлар ва муасасалар вакиллари, жамоатчилик бирлашмалари ва оммавий ахборот воситалари намоёндаларини хабардор этиш раис ёки, уни топириғи бўйича Давлат назорати Бошқармаси бошлиғи тасдиқлаганга мувофиқ ҳолда, ҳайъатни маъсул котиби амалга оширади.

35. Ҳайъатни маъсул котиби ҳайъат йиғилишини тайёрлашда ва ўтказишда иштирок этган Давлат инспекциясини техник, хўжалик ва бошқа бўлинмаларни хабардор этади, уларни ўзаро муносабатларини ташкил қилади, улар томонидан ўтказиладиган тadbирларни мувофиқлаштиради ва назорат этади.

36. Ҳайъатни маъсул котиби йиғилиш олдидан уларда қатнашувчиларни қайд этишни ташкил қилади. Қайд этиш тугаганидан сўнг ҳайъат котиби ҳайъат раисига ва Давлат назорати Бошқармаси бошлиғига ҳайъат аъзолари ва таклиф этилганларни ҳозир эканлиги ҳақида хабар беради

37. Ҳайъат йиғилишига таклиф этилган шахслар, уларга тегишли қисмлар бўйича масалаларни муҳокамасида иштирок этадилар. Раисини (раислик қилувчини) рухсати билан улар музокараларда сўзга чиқишлари, мулоҳаза ва таклифлар билдиришлари, муҳокама қилинаётган масалаларни моҳияти ҳамда тайёрланган ҳужжатларини лойиҳалари бўйича маълумотномалар беришлари мумкин.

38. Ҳайъат раиси (раислик қилувчи) йиғилишни очиб беради ва якунида уни ёпади, ҳайъат аъзоларига йиғилишга таклиф этилган шахслар ҳақида маълумот беради, масалаларнинг муҳокамасини ташкил этади (чиқишлари учун сўз беради, регламентни сақланишини кузатади, тайёрланган ҳужжаталар лойиҳасини, кўрилатган масалалар бўйича таклифларни овозга қўяди ҳамда овоз бериш натижаларини эълон қилади), сўровларни, маълумотларни, аризаларни ва таклифларни ошкор этади.

39. Ҳайъат йиғилиши кун тартиби ҳамда уни ўтказиш тартибини ойдинлаштириш ва тасдиқлаш билан бошланади.

40. Нутқлар учун, одатда, 20 дақиқагача, мунозараларда сўзга чиқувчилар

учун -7 дақиқагача, кўрсатма ва маълумотларга -3 дақиқагача вақт белгиланади. Керак бўлганда, раиси (раислик қилувчи) сўзга чиқиш учун вақтни ўзгатириш мумкин.

41. Ҳайъат йиғилишидаги масалаларни мунозаларида хужжатлар лойihalари бўйича тушган принципиал эътирозлар ва таклифлар кўриб чиқилиши керак. Мунозара натижалари раислик қилувчини кўрсатмаси бўйича йиғилиш баённомасида акс эттирилади.

42. Ҳайъат йиғилишини овозли ёзиш ва стенографиялаш, кино-, видео-, фототасвирга олиш раисни (раислик қилувчини) ёки Ҳайъат қарорига кўра амалга оширилади.

43. Давлат инспекциясинини ўзига хос куч ва маблағларидан фойдаланган ҳолда, овозли ёзиш ва стенографиялаш, кино-, видео-, фототасвирга олишни ташкил этишни Ҳайъатни маъсул котиби зиммасига юклатилади.

44. Нутқлар ва сўзга чиқишларнинг матнлари йиғилиш охирида Ҳайъатни маъсул котибига топширилади.

4. Ҳайъат қарорини қабул қилиш тартиби

45. Ҳайъат йиғилиши агар унда Ҳайъат аъзоларини ярмидан ортиғи иштирок этса ҳуқуқий жихатдан тўғри деб топилади.

46. Ҳар бир муҳокама қилинган масала бўйича йиғилишда иштирок этаётган Ҳайъат аъзолари сонидан келиб чиқиб, кўп бўлган овозлар бўйича қарор қабул қилинади.

47. Давлат инспекцияси бошлиғи ва Ҳайъат ўртасида низолар келиб чиққанда бўлганда Давлат инспекцияси бошлиғи ўз қарорини ижро этади ва келиб чиққан келишмовчилик ҳақида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига маълумот тақдим этади.

48. Ҳайъат қа рорихайъат раиси ёки уни вазифасини бажарувчи (раислик қилувчи) шахс томонидан имзоланади ва, одатда, Давлат инспекцияси бошлиғи нинг буйруғи билан эълон қилинади.

49. Ташкилий, кун тартибига оид ва назорат масалалари бўйича Ҳайъат қарори йиғилиш баённомасига киритилда (буйруқ эълон қилмасдан). Улар

таркибидаги ёзма кўрсатмани (топширикнома) ўрнатилган тартибда бажарилишимажбурий ҳисобланади.

50. Алохида ҳолларда кейинга қолдириб бўлмайдиган масалалар бўйича ҳайъат қорори сўровномалар тартибида қабул қилинади.

51. Давлат бошқаруви органи билан биргаликдаги бошқа ҳайъат органлари билан бўлган ҳайъат йиғилишларида қабул қилинган қарор, биргаликдаги буйруқ билан эълон қилинади.

Фуқароларни ҳуқуқий ва қонуний қизиқишлари билан боғлиқ ёки тармоқлараро тавсифга эга бўлган ҳайъат қорори ўрнатилган тартибда давлатга тегишли бўлган ва Ўзбекистон Республикаси адлия Вазирлигининг қайдномасидан ўтиши керак.

52. Ҳайъат томнидан кўриб чиқилган ва мақулланган ҳужжатлар лойиҳалари (низом, йўриқнома, режалар ва бошқа ҳужжатлар) ўрнатилган тартибда тасдиқанади ва амалга киритилади.

5. Ҳайъат йиғилишини ҳужжатли расмийлаштириш

53. Ҳайъат йиғилишининг яқунлари бўйича қисқача баённома тузилади. Баённомада қуйидагилар кўрсатилади: тартиб рақами, сана, йиғилиш ўтказилган жой, раислик қилувчи, иштирок этган ҳайъат аъзолари, таклиф этилганларни фамилияси ва уларни лавозими, кўрилган масалалар, нотиклар ва сўзга чиқувчиларни фамилияси, қарор ёки ташкилий-тартибга солувчи тавсифдаги аниқ топшириқлар. Баённомага киритилган топширикнома, мансабдор шахс ва бажариш муддатлари кўрсатилган, холда қисқа шаклда баён этилиши лозим.

54. Баённомани расмийлаштириш ва келишиштириш ҳайъатни маъсул котиби зиммасига юклатилади.

Баённомалар Давлат назорати Бошқармаси раҳбари, ҳайъат ишини ташкил этиш учун маъсул шахс томонидан имзоланади, ва лозим бўлганда Давлат инспекцияси бошлиғини ўринбосари, ҳайъатни бошқа аъзолари, Давлат инспекциясининг қизиқишига эга бўлган структуравий бўлинмаларини раҳбарлари билан келишилади.

Баённомаларни кўриб чиқиш ва келиштириш биринчи навбатда амалга оширилади. Баённомаларни тайёрлашлар мақсадида Давлат инспекциясининг қизиқишга эга бўлган структуравий бўлинмалари жалб қилиниши мумкин.

55. Баённомалар ҳайъат раиси (раислик қилувчи) томонидан имзоланади ва уни маъсул котиби томонидан тасдиқланади.

56. Баённомага ёзма нутқлар ва қатнашчиларни чиқишлари ва бошқа ҳужжатлар илова қилинади, раис (раислик қилувчи) кўрсатмаси ёки ҳайъат қорори бўйича йиғилишни стенограммаси илова қилиниши мумкин.

57. Баённомадан кўчирма Давлат инспекциясини қизиқишга эга бўлган структуравий бўлинмаларининг раҳбарларига тарқатилади.

Баённомадан кўчирма ҳайъатни маъсул котиби томонидан тасдиқланади.

6. Ҳайъатни қарор лойихаларини ва бошқа ҳужжатларни қайта ишлаш тартиби

58. Ҳайъат йиғилишида кўриб чиқилган қарор лойихалари, буйруқлар, уларни эълон қилувчилар, бошқа ҳужжатларни бевосита қайта ишлаш, уларни келишиштир вазифалари Давлат назорати Бошқармасига юклатилади. Қайта ишлаш учун муддатлар, агар бу муддат алоҳида ўрнатилмаган бўлса, одатда, 10 тақвим кунидан ошмаслиги керак.

Агар қайта ишаш жараёнида уларга муҳим даражада ўзгаришлар киритилса, ҳужжатлар лойихалари қайта имзоланишларга жалб этилади.

Ўрнатилган тартибга қўшимча, ҳужжатларни қайта ишланган лойихалари ҳайъат йиғилишини боришда кўриб чиқилган эътироз ва таклифлар билан сўзга чиққан ҳайъат аъзолари томонида келишиш ва имзолашга жалб қилинади.

59. Ҳайъатни маъсул котиби ҳужжатлар лойихаларини қайта ишлашда, лойихаларни келишишларда иштирок этади, тушган мулоҳазалар ва таклифларни амалга оширилишини тўлиқлиги устидан назоратни амалга оширади.

60. Давлат инспекцияси раҳбарига имзо учун тайёрланган қарорлар, фармойишлар, уларни эълон қилувчиларни Давлат назорати Бошқармасига тақдим этилади ва баённома билан бирга, ўрнатилган тартибда маълумот берилади.

7. Ҳайъат қарорини бажарилиши устидан назорат

6.1. Топшириқнома таркибини мохияти бўйича ҳайъат қарорини бажарилиши устидан бевосита назорат қилиш уларни ижросига маъсул этиб тайинланган ҳайъат аъзолари зиммасига юклатилади, шунингдек жорий иш жараёнида ҳайъатни барча аъзолари томонидан амалга оширилади.

6.2. Ҳайъат қарорини баённомасида келтирилган шаклда муддатлар ва топшиқлар бўйича Давлат инспекцияси фармойишларида эълон қилинган ҳайъат қарорларида мавжуд бўлган топшириқни бажариш бўйича жорий назорат ҳайъатни маъсул котибига юклатилади.

6.3. Ҳайъат ўзини йиғилишларида мунтазам равишда ўзини қабул қилинган қарорларини ижро этилишини бориши ҳақидаги масалани кўриб чиқади, уларни бажарилиши бўйича назоратга маъсул шахсларни, қилинган ишлар ҳақида структуравий бўлинмалар раҳбарларини тинглайди. Даврий равишда ўз фаолиятига яқунлар чиқаради, шунингдек ҳайъат аъзоларини ҳайъат қарорларини тайёрлаш ва ижро этишдаги ишларини натижалари кўриб чиқилади.

8. Ҳайъатни маъсул котиби

64. Ҳайъатни маъсул котиби ҳайъатнинг қарори билан Давлат назорати Бошқармаси хизматчилари орасидан аниқланади.

65. Ҳайъатни маъсул котиби:

Давлат инспекциясини ҳайъати йиғилишини тайёрлашлар билан боғлиқ ташкилий чора-тадбирларни амалга оширади;

Давлат инспекциясини бошлиғи тасдиқлаши учун Давлат инспекциясини ўринбосари, структуравий бўлинмаларни раҳбарлари билан келишилган ҳайъатни ишлари режасининг лойихасини тайёрлайди;

структуравий бўлинмаларнинг раҳбарларини ҳайъатга материаллар тақдим этишлари устидан назоратни таъминлайди;

Давлат назорати Бошқармаси билан келишган ҳолда қониқарсиз тайёрланган ҳужжатларини қайта ишлаш учун қайтаради;

Ҳайъат материалларини ўз вақтида кўпайтиришни ва уларни ҳайъат

аъзоларига ва Давлат назорати Бошқармаси раҳбарини кўрсатмасига биноан, бошқа шахсларга тарқатилишини таъминлайди;

хайъат ўтказишнинг ташкил этишни таъминлайди (зални тайёрлаш, йиғилиш иштирокчиларини қайд этиш, баённома юритиш, хайъат йиғилишини аудиоёзув ва стенограммалаш).

Давлат инспекциясини бошлиғига имзо учун хайъат йиғилишини баённомасини тайёрлайди;

хайъат қарорлари ва у томонидан қабул қилинган ҳужжатларни муҳокама қилинган масалалар бўйича, иштирокчилар айтиб ўтган мулоҳаза ва таклифларни инобатга олган ҳолда, уларни хайъатга тақдим этган мансабдор шахслар томонидан қайта ишлашни таъминлайди;

Давлат назорати Бошқармаси бошлиғига нутқ учун тайёрланган ҳужжатларни хайъат раисига имзо учун тақдим этишни таъминлайди;

хайъат раиси томонидан имзоланган ҳужжатлардан ўз вақтида нусха олинишини, Давлат инспекциясини мансабдор шахсларига бажариш учун йўллашни таъминлайди;

хайъат қарорини шакли бўйича ва ўрнатилган муддатларда бажарилиши устидан назоратни ташкил этади.